Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 9 сентябрь, шанба. №111 (21.874). Сотувда эркин нархда.

УЧҚЎРҒОН ТУМАНИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни Учқўрғон туманининг 60 йиллиги муносабати билан чин дилдан муборакбод этаман.

Сизларнинг эзгу ниятингиз ва самарали меҳнатингиз туфайли Учқўрғон тумани Ватанимизнинг гўзал масканларидан бирига айланди.

Туманда деҳқончилик тармоғи барқарор ривожланиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Шунингдек, қайта ишлаш, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарининг фаолияти ҳам ибратлидир. Ўзбекистон истиқлолининг тўрт йиллиги кунларида туман аҳлини яна бир байрам билан табриклашдан бағоят мамнунман.

Ишончим комилки, Учқўрғон аҳли ўз юртининг обрўйи юксалиши учун, гўзал ва бетакрор диёримизнинг бундан буён ҳам гуллаб-яшнаши учун, давлатимиз салоҳиятини янада ошириш учун ўзининг ҳалол меҳнати ва шижоатини аямайди.

Шу эзгу мақсадлар йўлида сизларга сиҳат-саломатлик, омад, бахту иқбол ҳамиша ҳамроҳ бўлсин! Оллоҳнинг ўзи сизларга мададкор бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

УЙЧИ ТУМАНИ АҲЛИГА

Азиз дўстлар!

Муқаддас истиқлолнинг тўрт йиллик тўйи кунларида сизларни Уйчи тумани ташкил этилганига 60 йил тўлиши муносабати билан самимий қутлайман!

Истиқлолимиз шарофати туфайли туманда амалга оширилаётган маънавий-маърифий жараёнлар, миллий қадриятларни тиклаш борасидаги ижобий ҳаракатлар диққатга сазовордир.

Ўйлайманки, жонажон мамлакатимизнинг равнақ топишига, яқин келажакда унинг тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олишига Уйчи тумани ёшу қари меҳнаткашлари ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшадилар.

Муборак байрам санаси билан яна бир марта чин қалбдан табриклайман.

Сизларга омонлик, хонадонингизга осойишталик ва файзу барака тилайман. Оллоҳнинг ўзи барчангизни паноҳида асрасин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ УЧҚЎРҒОН ТУМАНИ МЕҲНАТКАШЛАРИДАН АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси, халқ хўжалиги тармоқларидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

БОТИРҚУЛОВА Сожирахон — «Жалолобод» жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи

ЯНГИБОЕВ Юсуфжон — Учқўрғон тумани «Жанговор меҳнат» газетаси муҳаррири

ҚУЙИДАГИЛАРГА ФАХРИЙ УНВОНЛАР БЕРИЛСИН:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

ҲАКИМОВ Шарифжон — Учқўрғон шаҳридаги И. Охунов номли лицей ўқитувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»

ШЕРМАТОВ Абдураҳмат Абдухолисович — «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Қўзиева Адолатхон — Учқўрғон тумани марказий касалхонаси туғуруқхона бўлими мудири

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

МАМАДАЛИЕВ Бекмирза — «Қучқор ота» жамоа хўжалигининг механизатори

ТУРСУНОВ Омонбой — Учқўрғон туманидаги 150-хўжаликлараро механизациялашган қўчма колоннасининг ғишт терувчиси

РОМАНЕНКО Геннадий Николаевич — Қуғай таъмирлаш ҳиссадорлик жамияти техник назорат бўлими бошлиғи

СОТВОЛДИЕВ Олимжон Мамажонович — «Учқўрғон» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси

СУЛАЙМОНОВ Ғофуржон — Учқўрғон тумани электр-алоқа боғламаси монтери

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 8 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ УЙЧИ ТУМАНИ МЕҲНАТКАШЛАРИДАН АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган шахсий ҳиссаси, халқ хўжалиги тармоқларидаги ҳалол меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АБДИРАЙИМОВ Мирзабдулла — «Жийдакапа» темирбетон буюмлари заводининг электр пайвандчиси

СИДИҚОВ Абил — «Зарбдор» жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи

ҚУЙИДАГИЛАРГА ФАХРИЙ УНВОНЛАР БЕРИЛСИН:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»

САЙДАҲМЕДОВ Мамаджон — «Қизил-равот» жамоа хўжалиги қошидаги элита хўжалигининг мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

САЙПИЛЛАЕВ Абдивоҳид — Уйчи туманидаги 138-хўжаликлараро механизациялашган қўчма колоннасининг бригада бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

ХОЛМАТОВ Боймирза — Уйчи тумани марказий касалхонасининг бош шифокори

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

АБДУРАҲМОНОВ Жўравой — Уйчи туманидаги Унҳаят шаҳарчаси маданият уйининг директори

МЎМИНОВА Соҳибахон — 17-ўрта мактаб ўқитувчиси

НУРИДДИНОВ Қўчқорбой — «Ғайрат» жамоа хўжалигининг сувчиси

УМУРЗАҚОВА Тўхтахон — Уйчи тумани электр-алоқа боғламасининг телефон алоқачиси

ХУДОЙБЕРДИЕВА Мукаррам — «Ипакчи» ҳиссадорлик жамиятининг ипак ўровчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 8 сентябрь.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВГА
ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АСҚАР АКАЕВГА
ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИМОМАЛИ РАҲМОНОВГА
ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САПАРМУРОД НИЁЗОВГА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

МУРОЖААТНОМА

Муҳтарам Президентлар!

Биз, Марказий Осиёдаги беш мустақил давлат фан, маданият, адабиёт ва санъат арбоблари ҳар бир халқнинг анъанавий маданий қадриятларини сақлаб қолишнинг яхлит жараёни асосида халқларимизни бир-бирига маънавий жиҳатдан яқинлаштиришдек олийжаноб мақсадни кўзлаб, ҳукуматга алоқадор бўлмаган «Туркистон халқлари маданиятлари анжумани» минтақа ҳаракатини тузиш ташаббусини кўтармоқдамиз.

Бу ҳаракат доимий ҳамкорликни назарда тутиб, Туркистоннинг қайта тикланиши ва санъат, адабиёт ва илм-фанни ўзаро бойитиш мақсадида, жаҳон ҳамжамиятининг инсонпарварлик ҳамда маънавий равнақ ғояларига, шунингдек Туркистон минтақаси маданий тараққиётининг янги ресурслари ва имкониятларидан фойдаланишга фаолроқ кўмаклашиш учун миллий оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги мақсадларини кўзлаб, бир-бирига яқинлашишининг янги тарихий тажрибасини фаол узлаштиришга ёрдам беради.

Биз давлатларимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, минтақада ҳам, жаҳон ҳамжамиятида ҳам интеграция жараёнларини тезлаштириш, қадимий халқларимизнинг асрий ижтимоий қадриятларини қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни жуда қадрлаймиз. Ҳаракат шу олийжаноб мақсадларга эришишга фаол кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Шу йилнинг октябрь ойида Тошкентда «Қардош халқлар учрашуви» халқаро қурултойини чақириш назарда тутилмоқда. Унда беш давлатдан таниқли маданият ва илм-фан арбоблари, бадиий жамоалар иштирок этади.

Ҳаракатимиз номининг узиёқ Туркистон халқлари янги тарихий тафаккурининг катта тарбиявий моҳиятини кўрсатиб турибди.

Сизлар бу олийжаноб мақсадни қўллаб-қувватлашларингизга умид қиламиз.

Чингиз АЙТМАТОВ — Қирғизистон халқ ёзувчиси,
Баҳо СОДИҚОВ — кинорежиссёр, Рудакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти лауреати,
Оғажон БОБОЕВ — Туркманистон Фанлар академияси академиги,
Қолдорбек НАЙМАНБОЕВ — Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,
Қолтой МУҲАММАДЖОНОВ — Қозоғистон халқ ёзувчиси,
Мухтор ШАХАНОВ — Қозоғистон халқ шоири,
Одил ЁҚУБОВ — Узбекистон халқ ёзувчиси,
Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ — Узбекистон Фанлар академияси академиги,
Галина ПУГАЧЕНКОВА — Узбекистон Фанлар академияси академиги,
Тулепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ — Узбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.

МЕМОРАНДУМ

1995 йил июль ойида икки республика — Узбекистон ҳамда Қозоғистон фан ва маданият арбоблари ҳукуматга алоқадор бўлмаган «Туркистон халқлари маданиятлари анжумани» халқаро ҳаракатини тузиш ташаббуси билан чиққан эдилар.

Бу ғояни сўнгра Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркманистон маданият ва фан арбоблари қўллаб-қувватлади. Ташаббускор гуруҳ тузилди.

1995 йил 1 сентябрда биз, ташаббускор гуруҳ аъзолари қуйидаги хулосага келдик:

1. Ҳукуматга алоқадор бўлмаган «Туркистон халқлари маданиятлари анжумани» халқаро ҳаракати таъсис этилсин.

Қуйидагилар ҳаракатнинг асосий мақсади, деб белгилансин:

— Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар илмий ва ижодий зиёлиларининг бир-бирларига яқинлашувига кўмаклашиш;

— илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида ҳар бир республикада қилинган янги кашфиётлар ва муҳим воқеалар тўғрисида ахборотни йўлга қўйиш;

— энг сара асарларни таржима қилиш ва нашр этиш, дўстона учрашувлар, конференциялар, декадалар, кўргазмалар ва шу кабиларни мунтазам ўтказиб туриш.

2. Шу йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида «Қардош халқлар учрашуви» халқаро қурултойини чақириш.

Қурултойнинг ташкилот қўмитаси қуйидаги тартибда тузилсин.

ҚИРҒИЗИСТОН:

1. **Чингиз Айтматов** — халқ ёзувчиси
2. **Жунай Мавлонов** — халқ ёзувчиси
3. **Каким Сулаймонқулов** — академик
4. **Болотбек Шамшиев** — кинорежиссёр

ТОЖИКИСТОН:

1. **Муҳаммаджон Осимов** — академик
2. **Асқар Ҳакимов** — халқ ёзувчиси
3. **Жўрабек Муродов** — халқ артисти
4. **Баҳо Содиқов** — кинорежиссёр

ТУРКМАНИСТОН:

1. **Оғажон Бобоев** — академик
2. **Бобосари Аннамуродов** — халқ рассоми
3. **Отамурод Отибоев** — халқ ёзувчиси
4. **Николай Лежнев** — академик

ҚОЗОҒИСТОН:

1. **Қолдорбек Наймановов** — халқ ёзувчиси
2. **Қолтой Муҳаммаджонов** — халқ ёзувчиси
3. **Мухтор Шаханов** — халқ шоири
4. **Жумабой Абдилдин** — академик

ЎЗБЕКИСТОН:

1. **Одил Ёқубов** — халқ ёзувчиси
2. **Пўлат Ҳабибуллаев** — академик
3. **Галина Пугаченкова** — академик
4. **Тулепберген Қайипбергенов** — халқ ёзувчиси
3. Ташкилот қўмитаси зиммасига «Қардош халқлар учрашуви» қурултойига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юклатилсин.

Учрашув иштирокчиларининг мазкур ҳаракатда қатнашувчи мамлакатлар пойтахтларида шундай тузилмалар барпо этилгани ва қурултойга тайёргарлик ишларини бошлаб юборилгани тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ташаббускор гуруҳ томонидан тайёрланган учрашув эмблемаси ва белгилари тасдиқлансин.

5. Ташкилот қўмитаси номидан ҳаракатда иштирок этувчи мамлакатлар давлат бошлиқларига Мурожаатнома матни маъқуллансин.

1995 йил 1 сентябрда Тошкент шаҳрида имзоланди.

Соғлом авлод

БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИ

• **ЖИЗЗАХ. Галлаорол туманидаги Даврон Йўлдошев номли ижараширкат бирлашмасида болаларга ўзига хос совға инъом этилди.**

Бирлашманинг маъмурий идораси биноси болалар шифохонасига айлантирилди. 60 ўринли саломатлик масканида замонавий тиббий жиҳозлар ўрнатилди. Болаларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати ҳам йўлга қўйилди. Тажрибали шифокорлар болакайлар атрофида парвона.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Мустақил мамлакатимизнинг «оқ олтин» хирмонининг тезроқ кўкка бўй чўзиши учун беғоёт пахтазорларимизда каттаю-кичик жон фидо қилиб ишламоқда.

Олтинкўл тумани «Мангъал» жамоа хўжалигида айни кунларда 1200 теримчи режадаги 2696 тонналик хирмонни бунёд этиш йўлида йигирма-теримчи авж олдирмоқдалар. Мана бу суратда чеҳраси гулгун чевар теримчи Азизахон Эргашева ҳам ўша минглар сафидадир. Қизғин йигирма-теримда илғорликни қўлдан бермаяпти.

Турахон ГАФУРОВ олган сурат.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг тўрт йиллигини нишонлаш муносабати билан партия ташкилотларининг вазифалари

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми ушбу масалани кўриб чиққанлиги ва махсус қарор қабул қилганлиги ҳақида илгари газеталаримизда хабар берилган эди. Мамлакатимиз давлат мустақиллиги туфайли майдонга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ташкил топгандан буён ўтган қисқа вақт ичида, жамиятимизнинг нуфузли сиёсий кучига айланди, дейилади ушбу қарорда. 1994 йилнинг декабрида давлат ҳокимияти барча даражалардаги вакиллик идораларига бўлиб ўтган сайловлар натижаси шундай, деб айтишга асос беради.

Ҳужжатда партиямизнинг марказий ва жойлардаги тузилмалари, аҳоли турли табақаларига мансуб унинг 400 минг нафардан зиёд аъзолари ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижобий ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшаётганликлари таъкидланди. Хусусан, ХДП маҳаллий ташкилотлари, тарғиботчи-ташвиқотчилар ва партиямиз матбуотининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги ҳукуматимиз ислоҳотлар йўли ҳамда амалий фаолияти моҳияти, аҳамиятини фуқароларга тушунтириш борасидаги ишлари диққатга сазовордир. Кейинги пайтларда ташкилотларимиз иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнига амалий жиҳатдан кўмаклашишга эътиборни кучайтирмоқдалар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятида, юртбошимиз кўрсатганидек, янги дастурларни ишлаб чиқиш, омма орасига кўпроқ кириб бориш ва бошқа соҳаларда нуқсонлар йўқ эмас. ХДП айрим вилоят, шаҳар, туман ташкилотлари ўтиш даврининг мураккаб шароитларида ҳанузгача ўз ўринларини топа олмаётганликлари қарорда қайд этилди. Дарҳақиқат, замонавий иш услубларини ўзлаштира олмаётган, ташаббускорлик ва изланувчанлик ўрнига юқоридан йўл-йўриқ, кўрсатмалар кутишга ўрганиб қолган, боқимандалик кайфиятидаги баъзибир раҳбар ходимлар ҳам йўқ эмас. Бундай иллатлардан тезроқ қутулиш — давр талаби эканлиги қарорда уқтириб ўтилди.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларига, партиямиз марказий матбуот нашрлари тахририятларига ХДП ташкил топганлигининг тўрт йиллигини нишонлашга пухта ҳозирлик кўришга киришиш вазифасини топширди. Ушбу мақсадларда аниқ тадбирлар режаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Қарорда, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришлар, хусусан, иқтисодий ислоҳотларнинг натижаси ҳар бир меҳнаткашнинг онгли саъй-ҳаракатлари, ташаббускорлиги, фаоллигига боғлиқ эканлигини фуқароларга тушунтириш ишларини қатъийлик билан олиб бориш лозимлиги, ХДП аъзоларининг ислоҳотларда бевосита иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар фракциялари фаолиятига амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси аҳоли турли қатламлари, мададталаб шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, аниқ қадамлар қўйиш, жумладан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя чоралари ва ҳоказолар воситасида партиямизнинг обру-эътиборини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари тузилмаларини такомиллаштириш, унинг таркибини сифат жиҳатдан яхшилаш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, партия аъзоларида ватанпарварлик, юксак сиёсий маданиятлилик, ташаббускорлик фазилатларини шакллантиришга оид ишларни муттасил давом эттириш зарурлигига эътибор беришни барча даражадаги партия кенгашлари ва ташкилотларига тавсия қилди.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг тўрт йиллигини нишонлашга бағишланган тадбирлар режасини тасдиқлади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Ўзбекистон қаҳрамонлари

МЕҲНАТ – БАХТ КЕЛТИРАР

Муяссар ТЕМИРОВА, Бухоро шаҳридаги «Зардўз» акционерлик жамияти юксак бадиий буюмлар тайёрлаш участкасининг катта устаси

— Мен бахтлиман. Қаранг, 1973 йили, айни туғилган кунимда «Ўзбекистон халқ рассоми» унвонини олган эдим. Шундан кейин тиккан зардўзлик буюмларим халқаро кўргазмаларда олтин, кумуш медалларга сазовор бўлди. Ҳар гал Тошкент шаҳрига келганимда нега қалбим ғурурга тўлади? Чунки Халқлар дўстлиги саройи, Алишер Навоий номидаги академик катта театр, «Наврўз» саройини безаб турган зарпардалар ижодимнинг гултожиси бўлди.

Мен онам Муҳаббат Темировадан кейин Қаҳрамон бўлганим билан фахрланаман. Фарқи — онам Қаҳрамон она эди. Бухоро туманининг «Ўзбекистон» қишлоғида 10 нафар фарзандни вояга етказдилар.

Ҳаётимда бахтли дамлар кўп бўлган. Ўн олти ёшимда зардўзлик артелига ишга кирганимда бор-йўғи 60 га яқин қиз-жувон ишлардик. Маҳсулот ҳам икки-уч хил эди, холос. Ҳозир фабрикамизда 1200 га яқин чевар 140 хил зардўзлик маҳсулоти тайёрламоқда. Улар жаҳон хонадонларини безамоқда.

Эркин АЛИМУҲАМЕДОВ, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангар-йиғувчиси

Эркин аканинг хаёли ҳамиша осмонда бўлади, десак ажабланмаслик керак. Негаки, Чилонзор даҳасидан корхонага боргунча ё «ИЛ-76 МФ» самолётининг двигатели ҳавода шикастсиз ишлаши ҳақида ёки «АН» самолётлари қанотини яна қандай қилиб такомиллаштирса бўлади, деб ўйлаб келаётган бўлади-да.

Агар Тошкент авиация корхонасидан осмонга қанчадан-қанча самолётлар кўтарилган бўлса, ҳаммасида унинг ҳиссаси бор. Эркин ака «АН-12», «АН-22», «ИЛ-76», «ИЛ-114» самолётларининг ҳавода парвози баланд бўлиши учун 30 дан зиёд ихтиро қилди.

Бирлашма фахри, моҳир чилангар-йиғувчи Эркин Алимуҳамедов қарийб қирқ йилдирки, ҳаво кемалари сир-асрорларини тўла билиб олди. Бир неча касбни эгаллади. Бу эса ҳозирги деталлар тақчил пайтда самолёт қанотларига ёки четдан келтирилаётган қисмни шу ернинг ўзида тайёрлашга нафи тегяпти. Масалан, яқинда янги «ИЛ-76 МФ» самолётининг двигателига Эркин ака анчагина янги деталлар ўрнатди. Ҳозир унинг йигирмадан зиёд шогирди тинимсиз изланишда.



Анатолий ПАНИН, Навоий тоғ-металлургия комбинати «Восток» кони Шимолий руда бошқармаси экскаватор машинистлари бригадаси бошлиғи

Ўзбекистон фуқаросига хос интилиш, ифтихор ва ғурур Анатолий Николаевич билан учрашганимиздаёқ ёрқин намоён бўлди. Унга бу олий мукофотнинг берилиши бутун комбинат жамоасини тўлқинлантириб юборибди.

— Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришаётган залворли ютуқлари эътибор ва мақтовга лойиқдир, — дейди Анатолий Николаевич, — ана шу ютуқларда менинг ҳам озгина бўлса-да ҳиссам борлигидан фахрланаман. Республикамизнинг Олий мукофотига сазовор бўлишим эса Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги ҳукуматимиз томонидан камтарона меҳнатимга берилган юксак баҳо, деб биламан.

Ҳақиқатан ҳам унинг бригадаси 1988-1994 йиллар давомида иш режаларини ортиғи билан уддалаб келди. Шу йилнинг олти ойида эса бригада барча соҳаларда иш режасини 115 фоизга бажарди. Анатолий Николаевичнинг турмуш ўртоғи Тамара Юрьевна ҳам у билан бирга меҳнат қилади. Уларга меҳнатсевар, аҳил оила сифатида кўпчилик ҳавас билан қарайди.

Бўрон РЎЗИЕВ, «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат акционерлик бирлашмаси «Муборакгаз» кони бошқармасининг нефть ва газ қазиб чиқариш оператори

Ватан фидойилари қанча кўпайса эл-юртнинг келажаги ҳам шунчалик порлоқ бўлиб бораверади. Чунки Ватан калимаси буюкдан-буюк. Муборакликка Бўрон Рўзиев ҳам элим деб, юртим деб ёниб яшаётган фидойи эл фарзандларидан бири.

У Кўкдумалоқ ва Муборакдаги нефть ва газ қудуқларини ишга туширишда мардонавор меҳнати ила эл оғзига тушди. Ҳеч бир йил йўқки, ўзи ишлаётган жамоада газ, нефть конденсати қазиб олиш топшириқлари ортиғи билан бажарилмаган бўлса...

— Хушхабарни эшитганимда хаёлимдан нималар кечди, денг, — дейди у. — Меҳнатларим, умрим беҳуда кетмабди, деб ўйладим. Мен каби оддий одамларнинг меҳнати ҳукуматимиз, хусусан, юртбошимиз эътиборида турганидан севиндим.

Комилжон МАМАЖОНОВ, Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Х. Марозиқов номидаги жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи

Биринчилардан бўлиш Комилжон акага ҳам насиб этди. У мустақил мамлакатимизнинг илк Қаҳрамонларидан бири бўлиб энди замондошлари, қолаверса, келгуси авлодларга ибрат намунаси бўлиб қолаверади.

Албатта, Комилжон Мамажонов Ватаннинг бу юксак унвонига ўзининг фидокорона меҳнати, билими, тиришқоқлиги, муҳими, юртпарварлиги эвазига эришди. Ахир, оғир чўл шароитида, тағин шўр ерларни оби-тобига келтириб, у етакчилик қилаётган аҳил жамоа 40-44 центнердан пахта ҳосили олишяпти. Кечагина шу қум барҳанлари ўрнида барпо этилган боғ-роғларнинг сархил мевалари юрт тўкинлигига улуш бўлиб қўшиляпти. Кейинги йилларда ғаллачиликда ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Бунинг сабаби, ҳалоллик, аҳиллик ва тўғриликда, — дейди Комилжон ака.

ТЕМУРИЙЛАР ХОНАДОНИ БИР БЎЛСА АГАР...

Истиқлол иқлими

Миллий Истиқлолимизнинг бир йиллик байрами нишонланадиган сана — 1992 йилнинг 31 август наҳори.

«Халқ сўзи» таҳририяти топшириғи билан Мустақиллик майдонига кириб боряпману, қалбим салкам қирқ йил яшаб, бирон марта туймаган, ҳис қилмаган туйғулар оғушида маст. Юрагим қувонч билан парвозга шайланган, аммо қандайдир ҳадикми, чўчишми дейин, алланечук хавотирли туйғуларни ҳам бегона билмаган бир қуш қанотида ҳаволаниб бораяпти.

Ўзимга ўзим ишонмайман. Наҳотки, газетамизга, Истиқлолнинг бир йиллиги ҳақидаги илк репортажни ёзиш менга насиб қилган бўлса... Наҳотки!...

Нима деб ёзаман!

Шу учтагина сўз бутун вужудимни музлатди қўйди. Ҳар қалай биз Истиқлол, Мустақиллик ҳақида ёзиш у ёқда турсин, гапиришни ҳам билмаймиз. Борди-ю, юрак тўлиб кетиб, бу муқаддас, соҳир туйғу ҳақида ёзмасликнинг иложи қолмаса, исён уфурган тушунчаларимизни чиликми, анголаликми, ҳар қалай юртидан қувилган, қамалган бирон бир хабаш шоири ёки давлат арбоби тилидан шеър қилиб ҳумордан чиқардик.

Машраб Бобоев деган шоир ўзи ёзган исёнкор шеърларини дунёда йўқ «негр» шоиридан таржима сифатида газетада эълон қилганига ҳам нари борса ўн йилча бўлди, холос.

Ўзбекистон озодликка чиқармикин? Қандай чиқаркин? Ўша кунни кўриш бизга насиб этармикин? Бу йўлда қанча қон тўкамизикин?!

Эҳтимол, озодлик ҳаракати бошланса, бизнинг авлод унинг қурбони бўлиб кетар! Начора! Озодликни кўрмай ўлиб кетсак, болаларимиз кўради-ку!

Юрагимизни мана шундай изтироблар кемирган кунларга ҳам, ошиб борса, беш-олти йил бўлди, холос.

Мустақиллигимизнинг бир йиллиги тантаналари бошланадиган тонг ҳақидаги репортажни ёзиб, муҳаррир қўлига тутқаздим. Кўнглим ғаш. Бу мен учун қўшиқ билмайдиган одамни саҳнага судраб чиқиб, мажбурлаб ашула айтқизишдай гап эди. Истиқлол куйидан сабоқ берган сўнгги шоир — Чўлпон бобо бошидан жудо бўлганига ҳам ярим асрдан ошди, ахир!

Ҳар қалай, мени Чўлпон боболнинг руҳи қўллади, чоғи...

Мана ўша воқеага ҳам уч йил, Ватан озодлиги эътироф этилган кунга тўрт йилдан ўтяпти. Инсон зоти қизиқ. Бахтли кунларга етишгунча, ораги минг тўкилади. Лекин у бу фарахли онлар лаззати билан кифояланиб қолмайди. Энди у бу бахтли кунлар бизга не берди, дея сарҳисоб қила бошлайди.

Хўш, шу тўрт йил давомида Ўзбекистон нималарга эришди? Мустақиллик оғушида ўтган йилларнинг юртдошларимиз қалбидаги иньикоси қандай? Улар бундан ҳурсандми, хафами? Деҳқончилик, саноатда эришилган ютуқлар, ободончилик бўйича қилинган ишлар ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Бироқ одамлар кўксида ана шу ўзгаришлардан ғурурланиш ҳисси борми?

Бу жуда муҳим.

Ҳайратангиз обидаларни қуриб ташлайверган билан халқ бундан фахрлана олмаса, уларни узоқ йиллик миллий камситишлардан ўксик дилларига малҳам сифатида қабул қилмаса ҳам чатоқ. Биз билан деярли кетма-кет мустақиллигини эълон қилган жумҳуриятлардан бир нечтаси халқларида худди ана шу ҳиссиётнинг етишмаслиги панд бермоқда.

Юрт ободончилигига анчагина эътибор билан қаралаётган бир республикада дунё андозаларига мослаб бир нечта иншоотлар қурилибди. Мамлакат пойтахтидаги аэропорт жаҳон авиациясининг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилибди. «Бироқ ўша тайёрагоҳга келиб қўнадиган «Боинг»лар, чет элликлар қани? дейди бир ҳамкасбимиз. Агар мамлакатда чет эл ишбилармонлари, тижоратчиларини қизиқтирган, уларнинг эҳтиёж ва талабларини қондиришга қодир маҳсулот, хом ашё, муҳими ҳуқуқий замин яратилса, ҳамкорлар эшшак аравада бўлса ҳам етиб келади, дейди суҳбатдошимиз.

Бу гапларни биз нега эсладик?

Чунки ана шундай тайёрагоҳ бизда ҳам қурилди. Бироқ у худога шукур ,чет элликлар «Боинг»ларини соғиниб, ҳувиллаб ётгани йўқ. Аэропортимиз дунёнинг манман деган мамлакатлари манфаатларини туташтирган, муҳим нуқта сифатида юзлаб мамлакатлар одамлари хаёлида порлаб турибди.

Ҳар куни дунёнинг бир минтақасидан иккинчи бир олис минтақасини кўзлаб учаётган ўнлаб самолётлар, бир дақиқа бўлса-да, ҳордиқ чиқариш учун қўнишга ижозат сўраб, Тошкент осмонида гирдикапалак.

Мамлакатимизда бунёд этилаётган улкан қурилишларнинг қайси бирини таърифласам экан. Келинг узоққа бормайлик. Тошкент кўчаларини икки соатгина сайр қилайлик. Ишонаверинг бундан уч ойгина олдин юрган кўчаларингиз, кўрган биноларингизни бугун тополмайсиз. Икки ой илгариги тасаввурлар билан шаҳарга чиқсангиз, имоним комилки, адашиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Сағбон, Қўштут, Қумлоқ, Олмазордаги алмсоқи, яримвайрон чолдеворлар, исқирт, шалтоқ, тор қинғир-қийшиқ кўчалар ўрнини бугун таниб бўлмайди.

Яна бир қувончли ҳол: пойтахтимизда қад ростлаётган бахт уйлари, бозорлар, боғлар, мусофирхоналар, театрлар, маданий-маиший иншоотлар, илму урфон кошоналари, бунёд этилаётган сунъий ғўзал кўллар, хиёбонлар, сайилгоҳлар очилаётган йўллар қиёфасида ниҳоятда нозик дид, юксак меъморий маҳорат кўзга ташланади. Айниқса мустақилликдан кейин қурилган обидаларнинг ҳар бирини киши маиший эҳтиёжини қондирувчи воситагина эмас, балки маънавий оламини бойитувчи юксак санъат асари сифатида ҳам қабул қилади. Уларни юраклари энтикиб, завқ-шавқ билан томоша қилади.

«Ўзбекистон» нашриётининг юбилейига бағишлаб «Туркистон» саройида ўтказилган тантаналар чоғида гувоҳ бўлганим бир ҳолат ҳеч ёдимдан чиқмайди. Шифтларга осилган маҳобатли, бироқ ўта нафис қандиллар, шоҳона зиналар, сув шаршара бўлиб оқиб тушаётган деворлардан униб чиққан гуллар, гиёҳлар жозибасидан ҳайратини яширолмаган хорижий меҳмонлардан бири: «Вах-вах!... Бу муъжизаларнинг ижодкори ким бўлди?» деб юборди. Шунда машҳур халқ шоирларимиздан бири:

— Юртбошимиз, Ислом Каримов,— деб жавоб берди.

Мезбон шоир сўзлари оҳангида юртимиздаги буюк ўзгаришлардан ғурурланиш, ана шу ўзгаришларнинг бош меъмори бўлган Президентимиз диди, нозик таъбидан фахрланиш ҳисси зоҳир эди. Буни меҳмонлар жуда яхши англади.

Олой бозорининг бугунги ҳусни жамоли ҳам таъриф-тавсифларга сиғмасов. Маҳобатли аммо ўта нафис, миллий руҳда яратилган бозор мажмуасини томоша қилиб чиқарканмиз, ҳамроҳларимиздан бири деди:

— СССР даврида бундай бозорни қуриш учун Московнинг минг бир эшикларига бош суқиларди. Шунда иккинчи бир ҳамроҳимиз:

— Аввало шунақа бозор қуриш учун рухсат беришармиди денг. Эҳтимол, тархнинг мана бу ерида миллий руҳ кучайиб кетган, мана бу ерда ўтмиш сарқитлари анқиб турибди деб, меъморни миллатчи сифатида қамаб қўйишарди.

— Қани энди, юртимиздаги ўзгаришларни «Ўзбекистон ўзини-ўзи эплолмайди, улар мустақил равишда фикр қилишга, яшашга, яратишга қодир эмас» деган хаёлдаги «политбюро» аъзолари бир кўриб қўйса...

Суҳбатни эшитиб қувониб кетдим. Демак, одамлар мамлакатда амалга ошираётган ишлардан хурсанд. Мустақиллик туфайли рўёбга чиқаётган буюк ўзгаришлардан фахрланаяпти. Фахрланибгина эмас, қилаётган ишларимизни кўриб қўйинг «жаноблар» дея, топталган ғуруларини қайта тиклашга ошиқмоқда.

Шу ўринда буюк авар шоири Расул Ҳамзатовнинг бир панди ёдимга тушди. Айтишларича, афсонавий қаҳрамон Шомилнинг ёш ўғли — Жамолиддинни Оқ пошшо қўлга туширади. Ғаров тариқасида йигирма йил сақлагач, яна юрти Доғистонга қайтаради. Бироқ бу даврда ёш йигитча ҳамма нарсани — динини, она тилини, Доғистонни, унинг ўзига хос урф-одатларини мутлоқо унутган. Рус зобити шинелини кийиб улгурган эди. Ватанига қайтгач, ҳеч нарсани эслай олмаган Жамолиддинга юртидаги анъаналар эриш туюлиб, зерикиб, яна Петербургга кетишга интилган. Шунда онаси унга Авария ҳақида у бешикдалик чоғида куйлаган қўшиқларни қайта куйлаган. Натижада ўғлон азиз уйини, кўкка бўй чўзган виқорли тоғларни, ярасидан қон сирқиб турган овулини — Ватанини эслаган. Кейин бошқалар кийдирган шинелни ечиб, тоғликлар черкаскасини кийган ва юртини озод қилишга отланган. Она қўшиқлари уни Ватанга қайтарган.

Яшириш не ҳожат: етмиш йиллик истибдод бизнинг юракларимиздан ҳам миллий ғурур, озодликнинг тотли туйғуларини сиқиб чиқарган, қалбимизга бегона либосларни кийдириб улгурган эди. Энди бу либосларни ечиб, Жамолиддиндай Ватанга қайтишимиз, миллий ғуруримизни қайта жонлантиришимиз учун «Оналар қўшиқлари» лозим бўлмоқда. Она қўшиқларики, у Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳар бир тадбир, қад ростлаётган ҳар бир бино, қилаётган ҳар бир ишимиз, сўзлаётган ҳар бир сўзимизда ўз аксини топсин.

«Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир», деган эди юртбошимиз Ислом Каримов.

Демак биз миллат ғурурини ростлашга хизмат қиладиган ҳар бир имкониятни қўлдан чиқармаслигимиз керак. Токи Пётр I, Фрунзе, Сталиннинг ҳайкалчаларини сотиб олиб, уйининг тўрида сақлашга одатланганлар энди миллий озодлигимиз учун курашган, жон фидо этган улуғ боболаримиз, саркардаларимиз, шоир-ёзувчиларимиз, давлат арбобларимиз руҳи, фаолияти билан фахрланишни, уларни эъзозлашни ихтиёр этсинлар.

Демак ана шу улуғ инсонлар, фозилу фузалоларимиз, азизу-авлиёларимиз қилган ишлар ҳақида янада кўпроқ ўйлашимиз, ёзишимиз, тарғиб-ташвиқ ишларини кучайтиришимиз лозим.

Уларнинг сиймолари акс этган нашрларни кўпайтиришимиз, турли ҳажмдаги ҳайкалларини саноат йўли билан қўйишга киришишимиз керак.

Биз кўрган халқмиз. Кўрган халқ ҳеч қачон йўқ бўлмайди, ўлмайди. Қатиқ тўкилса юқи қолади, дейди донолар. Аждодларимиздан қолган кўрганликнинг юқи ҳам бизни юксак-юксакларга олиб чиқади, худо хохласа.

Бунинг учун албатта тинчлик, хотиржамлик, бирлик-бирдамлик, ҳар биримиздан озгина озгина фидойилик керак.

Мақсуд Шайхзода домла ёзганидек:

Темурийлар хонадони бир бўлса агар,
Туркистонга на завол бор, на хавфу хатар.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ БИНОДА БОШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли яна бир нуфузли даргоҳ мустақиллик байрами кунларида фаолият бошлади. Бу ерда ҳунар-техника таълим ходимларининг республика малака ошириш институтининг янги ўқув биноси ва ётоқхонанинг тантанали очилиши маросим бўлиб ўтди. Уни халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов очди. Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев тантана иштирокчиларини қизғин табриклади.

— Ўтган ўқув йилида, — деди Жўра Ғаниевич, — республика ҳунар билим юртларида халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун зарур бўлган 270 дан ортиқ ишчи касблари бўйича 220 мингга яқин йигит-қизлар таълим олдилар. Биргина шу йилнинг ўзида ҳунар билим юртларининг кундузги бўлимини 144,2 минг ўқувчи битириб, ишлаб чиқаришга йўлланма олдилар. Шунингдек, ўтган ўқув йилида республикада 12 та миллий ҳуранмандчилик лицейлари фаолият кўрсатди. Уларда 30 та муттахассислик бўйича халқ ҳунармандчилиги усталари тайёрланмоқда. Намунали ва нуфузли ҳунар билим юртларида 15 таси турли соҳалар бўйича ҳунар лицейларига айлантирилди.

Ҳунар-техника таълими ходимларининг Республика малака ошириш институти ректори, психология фанлари доктори Рифхат Гайнутдиновнинг таъкидлашича, ушбу бинони таъмирлашда қисқа вақт мобайнида катта миқёсда ишлар олиб борилди. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги қурилиш ташкилотлари, шу жумладан, ёш ва тадбиркор Аваз Имомов раҳбарлик қилаётган «Маорифчи» кичик корхонасининг қули гул усталари ва ишчилари, Андижондан ёрдамга етиб келган «Уч коллектор» жамоаси қурувчилари катта ғайрат-шижоат кўрсатишди.

Тантанага ҳунар-техника таълими ходимларининг «Ҳилола» ашула ва рақс дастаси аъзолари ва хушовоз хонанда Комилжон Йўлдошевнинг дилрабо қўшиқлари файз бағишлади.

Абдулла ТУРДИЕВ.

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

АШГАБАД. Яқинда Покистон Ислом Республикасининг Президенти Фаруҳ Аҳмад Хон Легари Туркманистонга расмий ташриф билан келди. Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва Фаруҳ Аҳмад Хон Легари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишди.

ТУРКИЯДА ТОЖИКИСТОН ЭЛЧИХОНАСИ

ТОЖИКИСТОН Республикаси Президенти Туркиянинг Анқара шаҳрида Тожикистон Республикаси элчихонасини очиш тўғрисида фармон қабул қилди. Илгари Тожикистон Республикаси ички ишлар вазири бўлиб ишлаган Ёқубжон Салимов Тожикистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

ЯНГИ ПАРТИЯ РЎЙХАТДАН ЎТДИ

ТОЖИКИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги Тожикистон Демократик партиясини рўйхатга олди. Энди республикада сиёсий партиялар сони олтитага етди.

ШАРТНОМАГА ҚЎШИЛИШГА ЧАҚИРДИ

ҚОЗОҒИСТОН Ташқи ишлар вазирлиги Хитойда ўтказилган ядро синови муносабати билан баёнот бериб, ушбу хабар республикада катта ташвиш билан қабул қилинганини айтди. Шунингдек, Хитой ҳукуматини жаҳон ҳамжамияти чақириқларига қулоқ солишга ва имзоланиши кутилаётган ядро синовларини тўхтатиш ҳақидаги халқаро шартномага қўшилишга чақирди.

ЛОЙИҲА ТАҚДИМНОМАСИ БЎЛДИ

АШГАБАДДА Туркманистон-Покистон газ қувури қурилиши лойиҳасининг тақдимномаси бўлди.

Ушбу лойиҳа Американинг «Юнокал» нефтгаз корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу лойиҳани амалга ошириш учун тахминан олти ярим йил керак бўлади.

Американинг «Юнокал» ва «Ельта» деб номланган йирик нефтгаз компаниялари Покистонга ўтказиладиган ушбу газ қувури қурилишида Туркманистоннинг асосий ҳамкори бўлишни режалаштирмоқда.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Нурота аслида чорвачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган туман. Бироқ ўтган йили кузда тажриба тариқасида тумандаги Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигининг 50 гектар майдонига масхар ўсимлиги экилганди. Натижа ёмон бўлмади. Гектарига 15 центнердан дон, 100 центнердан озуқабоп масса олинди. Дон ҳаммаси уруғлик учун олиб қолинди. Шунинги қувончлики, масхар дони таркибининг 33 фоизини ўсимлик мойи ташкил этади. Кунжараси эса тўйимлилик жиҳатдан чигитникидан қолишмайди.

— Туманимизда 73 минг нафар киши яшайди, — деди Нурота тумани ҳокими Муҳаммад Тўйчиев. — Туман аҳлининг мойга бўлган эҳтиёжи йилига 450 тонна. Агар туман бўйича минг гектар масхар экишга эришсак ўсимлик мойига бўлган эҳтиёж тўлатўкис қондирилади.

Ажаб эмас келгусида Нурота тумани Навоий вилояти халқини хушхўр масхар мойи билан таъминлайдиган туман бўлиб қолса.

СУРАТДА: хўжалик бошқаруви раиси Сайфулла Тиллаев ва бригада бошлиғи Қўзибой Турдиев ўсимликларни кўздан кечиришяпти.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.

Мулоҳаза учун мавзу

КУНГАБОҚАР ҲОСИЯТИ

Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги Т. Тошматов номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг деҳқонлари ёғ олиш учун бир неча гектар ерда кунгабоқар парвариш қиляптилар.

— Кунгабоқар авваллари озуқа учун оқжўхорига қўшиб экиларди, — дейди хўжалик раҳбари Маҳамадхон Аҳмедов. Бироқ у алоҳида экилса, нафи кўп бўларкан.

Бу экин тупроқ танламайди. Шурланган ерларда ҳам анча яхши ўсади. Тезпишар. 50 кунда гуллаб, 90 кунда дони тўлади.

— Дунё мамлакатларида истеъмол қилинаётган ўсимлик ёғининг қарийб тенг ярми кунгабоқар донидан олиниши ҳам бу экин ғоят аҳамиятли эканини кўрсатиб турибди, — дея мулоҳазаларини билдирди Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти Андижон шохобчасининг директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Тоҳиржон Аҳмедов. — Ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 35-40 центнерни ташкил этади. Ёғ чиқиш миқдори 40 фоизни ташкил этади.

Кунгабоқар ёғи пахтаникига қараганда сифатли. Экологик жиҳатдан тоза. Ортиқча доғлашга ҳам ҳожат йўқ. Ҳар гектар ердан 200 центнергача озуқа олиш мумкин.

Халқимиз кунгабоқарнинг серҳосият экинлигини қадимдан яхши билган. Донаси мағзидан ёғ олиниб, ҳолва тайёрлашда фойдаланилган. Агар мустақил мамлакатимиздаги ҳар бир хўжаликда ғалла йиғиштирилгандан сўнг 50 гектардан ерга кунгабоқар экилса, ёғ муаммоси ечимини топиш учун дадил қадам ташланган бўларди.

Уюшмада ёғ ишлаб чиқарадиган мослама тайёрланган. Қолаверса, ёғ-мой комбинатлари мутахассислари ҳам кунгабоқар ҳосилини қайта ишлаш учун имкониятлар борлигини билдиришмоқда. Технологик жараёнларни мослаш кўп вақт ва меҳнат талаб этмайди.

Бугун иқтисод асосий масалага айланган экан, ёғ-мой корхоналарига океан ортидаги мамлакатлардан соя, рапс олиб келинаётганлигини долларга чақсак, кунгабоқарнинг аҳамияти янада аниқ кўринади.

Кунгабоқар уруғлиги заҳирасини яратиш тадбирларини кўришни ҳам тақозо этади. Бу жиҳатдан ҳам деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси тадбиркорларининг тажрибасини ўрганиш фойдали бўларди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 11

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 ФУТБОЛ ШАРҲИ.
18.30 "ҚИШЛОҚ ТАДБИРКОРЛАРИ".
18.55 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Телефильм.
20.10 "Ўйинни ўйин тутма".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 "ВАҚТ — ҲАКАМ".
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "СЎНГГИ ЎҚ". Видеофильм.5-қисм.
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Таҳлил".
19.10 "Чашма".
19.40 "Спорт-тайм".
20.20 "Кимга қанақа?"
21.20 — 22.45 "Оқ рангли лимузин".Бадиий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 20.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.30
***
22.45 — 23.45

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Хабарчи қуш". Телефильм.
19.15"Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Жаҳон географияси".
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — "О".
23.25 Эълонлар.
23.30 "Курьер".
23.50 "...яна об-ҳаво ҳақида".
24.00 — 00.10 "Постфактум".

СЕШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 5-қисм.
9.05 Немис тили.
9.35 "Кўзгудаги рангин лаҳзалар". Кинодастур.
10.00 "Кашф этилаётган имкониятлар".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 — 13.15 "Юлька". Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "ҚЎНҒИРОҚЧА".
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 "ТАРАҚҚИЁТ".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 БЕВОСИТА МУЛОҚОТ.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 "МИНТАҚАМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА".
21.50 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "СЎНГГИ ЎҚ". Видеофильм. 6-қисм.
22.45 Эълонлар.
22.50 — 23.15 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
18.45 "Табиат дунёси".
19.35 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.55 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 "Теле-ателье-шоу".
21.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
22.45 — 00.45

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мусиқий танишув: Т. Ҳўжаназаров".
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Тадбиркорлик мактаби".
20.20 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 "Қиймат ва қиммат".
21.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
22.15 — 23.00 "Соккер-клуб".

ЧОРШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 6-қисм.
8.55 Сирдарё вилоятидаги "Ширин" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
9.15 Янги алифбони ўрганамиз.
9.45 "Ёшлар ва замон".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 "Вазият".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
12.00 "Суянч".
12.30 — 14.30 "Ёшлик" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Қувноқ дақиқалар".
18.30 "ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ": ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАРИ.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ. Шоҳида ШОҲИМАРДОНОВА.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениеси вилоят студияларининг кўрсатувлари. ЭКРАНДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "СЎНГГИ ЎҚ". Видеофильм. 7-қисм.
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.15 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Ўй ҳайвонот боғи".
18.50 "Тошкент оқшомида".
19.50 "Тет — А — Тет".
20.05 "Кинематограф".
21.35 — 22.25 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ. "МҲСК" — "ПАХТАКОР".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
21.45 — 00.05

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 14

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 7-қисм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 "Газалхон ёшлигим".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 "Солиқ".
11.30 Ўқув кўрсатуви. География.
12.00 "Тановор" ансамблининг созандалари ижро этади.
12.30 "Улгайиш поғоналари".
13.00 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
13.20 — 13.50 "Оналар мактаби".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Бу дамлар ўхшар эртакка".
18.40 "ТИЛГА ЭЪТИБОР".
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "ОМИЛКОР ИНСОНЛАР".
20.20 "ЮЗМА-ЮЗ".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 "МИНТАҚАМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА".
21.50 "СЕНИ СЕВДИМ". Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Теле-ателье-шоу".
19.10 Видео янгиликлари.
19.30 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 — 22.45 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
22.45 — 00.45

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Романслар кечаси".
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Ҳаракатда барака".
21.10 "Кўнгил қўприклари".
21.50 "Шалом!"
22.20 — 22.40 "Глобус".

ЖУМА, 15

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Медаллар машаққати". Бадиий фильм. 1-серия.
9.10 Немис тили.
9.40 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".
10.20 "Мусаввир нигоҳи". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 "Гуллар билан кутаман". Мусиқий композиция.
11.40 "Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
12.10 "Ёшлар билан юзма-юз".
12.45 — 13.15 "Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 "САНЪАТ ГҮНЧАЛАРИ".
18.40 "ДОНИМИЗ — РИЗҚИМИЗ".
18.50 "ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "МЕНДА ФИКР БОР".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 "ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР".
22.15 "Ҳофизлар хониш қилганда".
22.55 "СЕНИ СЕВДИМ". Бадиий фильм. 2-серия (Ҳиндистон).
00.20 Эълонлар.
00.25 — 00.50 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Параллель".
19.00 "Билиб қўйган яхши".
19.25 "Бизнес-академия".
19.50 "Тошкентнома".
20.50 — 22.20 "Эгнар чашмаси". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.00 — 20.45
*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.15
***
22.45 — 00.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Менинг чашмаларим". Телефильм.
19.00 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Кулгига нима етсин".
21.15 "Автосалон".
21.35 "Америка юлдузлари".
22.05 Эълонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — "О".

ШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Медаллар машаққати". Бадиий фильм. 2-серия.
9.10 "Бахтиёр Ҳолхўжаев қуйлайди". Фильм-концерт.
9.40 Андрес-Скалес. "Оила". Теленовелла.
9.55 "Оламни асранг!".
10.25 "Халқ ижодиёти".
10.55 "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
11.30 "Олимп сари".
11.55 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".
12.55 — 14.55 "Маънавият" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 "ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА".
18.40 "САНЪАТ ОЛАМИ".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Рақслар гулдастаси".
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ КУБОГИ. "Нефтчи" (Ўзбекистон) — "Елимай" (Қозоғистон).
23.00 "ТУНГИ ЕҒДУ". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.15 "Табиат дунёси".
10.05 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.25 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 "Теле-ателье-шоу".
12.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 "Кинонигоҳ".
14.30 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
*

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 Кичик дебют.
19.40 "Кинотриада.".
20.40 "Янги иқтисод".
21.10 "Менинг кўчам".
21.25 — 23.15 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 — 20.45
*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
22.45 — 01.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
10.50 — 11.55 Болалар учун фильм. "Арслоннинг саргузаштлари". 2-серия.
* * *
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.05 "Медитация". Телефильм.
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Интердиалог".
20.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.40 "Вариацияли мавзу".
21.10 "Қалбим қўри".
21.50 — 22.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЯКШАНБА, 17

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.30 Футбол майдонларида.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "ҚУШИҚЛАРИМ СИЗГА АРМУҒОН".
11.30 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" почтасидан.
12.30 "БУГУН — ЎРМОН ХОДИМЛАРИ КУНИ".
13.15 — 15.15 "Болалигим — пошшолигим". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "ТОМОША" ахборот.
18.15 Ўсмирлар учун. "Ўйла! Изла! Топ!".
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Панорама" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "ДУНЁНИ ҚИЗҒАНМА...". Абдулла Орипов лирикаси.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "ДЕҲҚОН ДАЛАДАН ҚАЙТДИ".
22.25 Экранда — кинокомедия. "Хотиржамлик бекор қилинади".
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.15 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Теле-ателье-шоу".
10.40 Видео янгиликлари.
11.00 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 — 14.15 "Кинонигоҳ".
***
17.00 "Совға".
17.30 "Жаҳон географияси".
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "... яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Компьютер-Осиё".
21.40 "Кулгига нима етсин".
22.05 "Америка юлдузлари".
22.35 Эълонлар.
22.40 "Даракчи".
22.50 Эълонлар.
22.55 — 00.35 Видео — "О".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 — 22.55
*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.55 — 01.00

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!". Мультфильм.
9.30 "Менинг кўчам".
9.45 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
11.35 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
11.45 — 13.10 "Аэропортга кирадиган алоҳида йўл". Бадиий фильм.
* * *
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.05 "Ташрифлар ва таклифлар".
19.30 "Панорама" (рус тилида).
20.00 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.10 Ўрмон ходимлари кунига. "Бизнинг яшил дўстимиз".
21.50 "Бу ажиб дунё".
22.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.20 — 22.50 "Ёшлик" студияси. "Ёшлик оқшоми".

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
1995 йил 29 сентябрда
пойтахтимизнинг энг серқатнов кўчаларида жойлашган автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаларининг
ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ.
Савдога қуйидагилар қўйилган:

87 - АЕҚШ
Янги Сирғали кўчасида, ҳалқа йўл бўйида жойлашган. Таркибида операторлик биноси, ҳар бири 25 куб метрдан 3 та резервуар, ёнилғи қуйиш учун 4та контейнер, 4та бензоколонка, савдо дўкони мавжуд. Барча қулайликларга эга.
Бошланғич нархи. — 1.344.233 сўм.

90 - АЕҚШ
Ал-Хоразмий мавзесида, ҳалқа йўл бўйида жойлашган. Таркибида операторлик биноси, савдо дўкони, ёнилғи сақлаш учун 3 та резервуар, ёнилғи қуйиш учун 4 та контейнер, 3 та колонка мавжуд. Иншоот ер майдони (2738 кв.м.) билан бирга сотувга қўйилади.
Бошланғич нархи ер майдони билан бирга — 5.229.863 сўм

АРИЗАЛАР ДАВЛАТ МУЛК ҚЎМИТАСИДА
(Мустақиллик майдони, 5-уй, 311 ва 313-хоналарда)
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Телефонлар: 39-41-24, 39-85-46, 39-86-87.

Танлов билан боғлиқ барча саволлар бўйича Республика кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент, Маяковский кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
(3712) 67-32-71, 68-17-55, 67-22-14.

Жамғарма Банки

ОМОНАТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ
1995 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН
БИР ҚАТОР ОМОНАТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ФОИЗ СТАВКАЛАРИНИ ОШИРДИ ВА ҚУЙИДАГИЧА БЕЛГИЛАДИ:

талаб қилиб олинадиган омонат бўйича — йилига	40%
муддатли омонатлар бўйича	
— 1 йилдан 3 йилгача — йилига	60%
— 3 йилдан 5 йилгача — йилига	90%
— 5 йилдан юқорисига — йилига	120%
мақсадли болалар омонати бўйича — йилига	120%
кўрсатувчига бериладиган омонат — йилига	40%
"Капитал" омонати бўйича — ойига	10%
"Капитал-Люкс" омонати бўйича — ойига	10%

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

UZBAT A.O.
BAT
Joint Venture

The Corporate Affairs Department (dealing with external relations and publicity of the Joint Venture) invites dynamic and motivated English-speaking candidates to apply for the following positions:
1. Computer-literate trilngual (Uzbek, English, Russian) *Press and Media Manager* with journalistic experience or work experience with a foreign or international organization/company as public relations officer.
2. Computer-literate trilingual (Uzbek, English, Russian)*secretary*, with at least 1 year of experience as a secretary or office adminis trator.
Possible candidates are requesdted to submit their CVs or Resumes to the Human Resources Department, UZBAT A.O. Joint Venture Head Office, 4 Husnutdin Asomov Street, Tashkent - 700084.

"ДИНА"
ҳуқуқий компанияси
— мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари мажмуаларини ишлаб чиқиш, корхоналарнинг муҳрларини тайёрлаш, банкда ҳисоб рақамини очиш билан бирга, тайёр ҳолда рўйхатдан ўтказиб бериш бўйича **хизматларни кўрсатади.**

Шартномаларни тузган мижозлар:
— кичик бизнес корхоналари ишини ташкил этиш;
— фуқаролар ва ташкилотларга меъёрий ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, жорий қонунчилик бўйича юридик хизматлар кўрсатиш юзасидан **бепул маслаҳатлар оладилар.**

Алоқа учун телефонлар:
79-14-77, 79-14-78, 72-35-31.
Манзилимиз: Тошкент,
"Халқлар дўстлиги" кўчаси,29-уй
"Собир Раҳимов" метро бекати.

"ЖУР БЕК"

"ЖЎРАБЕК" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Бугунги кунда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида *"Жўрабек"* хусусий дорихонаси жаҳондаги кўплаб фармацевтика саноати корхоналари, фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Англиянинг *"Стерлинг Хелс"* фирмасидан харид қилинган оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи *"Панадол"* дорисининг саккиздан ортиқ тури чақалоқдан тортиб то кекса беморларгача даволашда бебаҳо малҳам бўлмоқда.

Panadol Tablets
ҲУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Дори-дармонлар танқис бўлиб турган бугунги кунда Сиз учун фақат **"Жўрабек"** хусусий дорихонасигина дунёнинг исталган бурчагидан дардингизга малҳам бўладиган зарур дори-дармонларни топиб, етказиб бера олади!

ДОРИХОНАМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Бешёғоч" майдони, Олмазор кўчаси, 165-уй.
Телефон: 45-60-40, факс: 45-41-46.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —

янги имкониятлардаги авиасервис

Тошкентда МДҲнинг ҳамма шаҳарлари, Россия авиакомпаниясининг барча рейсларига авиачипталарни сотиш кассалари очилди.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —
Домодедово бирлашмасининг ваколатхонаси ва Россия ҳаво йўллари бош агентлиги.

Тел: 33-29-49.

ТАШКИЛОТ

МАЙДА ВА УЛГУРЖИСИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

шарикли ручкалар, фломастерлар, стерженлар, скоршивателлар (ҳужжатлар йиғиб қўйиладиган папкалар), канцелярия елими, паронит (прокладка материали), фрикцион накладкалари, тормоз колодкалари, асбестли тахталар, арқон ва кукунлар.

Паррандалар ва ҳайвонларни семиртирувчи "Примикс" қўшимча озиқлантирувчисини етказиб бериш юзасидан шартномаларни тузади.

Ҳақ тўлаш—исталган шаклда.

Телефон: (3712) 33-41-47.

Спорт

ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Халқаро олимпиада қўмитаси раҳнамолигида ўтказилаётган, илк марта ташкил этилган Марказий Осиё ўйинлари кеча якунланди. Бир ҳафта қизғин ва муроасасиз баҳслардан дарак бериб турган мусобақа машъаласи оҳиста сўниб, Туронзамин ёшлари узра ҳилпираган байроқ ҳам туширилди. Мусобақа халқаро олимпиада қўмитасининг Президенти Хуан Антонио Самаранч таъбири билан айтганда «Олимпия тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик» шиори остида ўтди.

Қичик олимпиада номини олган ўзига хос нуфузли мусобақа «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясига ҳар жиҳатдан мос тушганлиги амалда намойиш қилинди. Мовароуннаҳр ҳудудида жойлашган мамлакатларнинг ёшлари жисмоний жиҳатдан маҳорат кўрсатишга, ютса ҳам, ютқазса ҳам туркона феъл билан тантилик қилишга интилдилар. Тенг курашлар остида ўтган мусобақаларда дўстлик ва ҳамкорлик туйғулари тантана қилди.

Маълумки ўзбекистонлик спортчилар кураш ва бокс баҳсларида ажойиб ютуққа эришиб, муҳлисларни мумнун этишган эди. Вакилларимиз спортнинг бошқа турларида ҳам бўш келмасликка, медаллар жамғармасини бойитишга ҳаракат қилишди. Хусусан, «Алпомиш» саройида ташкил этилган оғир атлетикачилар кураши мухлисларда яхши таассурот қолдирди. 54 килограмм вазнли спортчимиз Виктор Янский икки курашда 232 килограммли натижа билан олтин медаль соҳиби бўлди. 70 килограмм вазнли Бахтиёр Нуруллаев 300 килограммли натижа билан ғолиблик супасига кўтарилди. 83 килограммли вазнлилар орасида Орзибек Урозимбетов билан 91 килограмм вазнли Амри Хўжанов ҳамда 99 килограммли Александр Урунов медаллар жамғармасига кумуш нишонларни келтиришди. Мусобақада қозоқ оғаларимиз ҳам маҳорат кўрсатдилар. Жумладан, Дмитрий Ломакин, Геннадий Ермаков, Вечеслав Ню, Андрей Манаров ҳамда Анатолий Храпатийлар олтин медалларга эга бўлишди.

Сузиш ва енгил атлетика мусобақалари кеча якунланди. Баландга сакрашда қозоғистонлик Светлана Михайлова 183 см. ли маррани эгаллаб, муваффақият қозонди. Вакилимиз Наталья Кавицкая 174 см.ли натижа билан бронза медали олди. 100 мертга югуришда А. Кучмуродов (10,2 сек) биринчи бўлди.

Сузувчиларимизнинг чиқишлари медаллар жамғармасини бойитишга салмоқли ҳисса қўшди. 50 метрга брассча ва 200 метрга комплекс сузишда спортчимиз Олег Пухнатий зафар қучди. Унинг ҳамжамоаси Равил Начаев 100 метрли масофани 56,3 секундда босиб ўтиб ғолиблик супасига кўтарилди. Шунингдек, йигитларимиз 400 метрга ҳамда 4х200 метрга эстафеталик сузишда биринчи бўлишди.

Маълумки, яқинда теннисчиларимиз «Президент кубоги» учун халқаро мусобақада иштирок этишган эди. Улар Марказий Осиё ўйинларида маҳорат кўрсатдилар. Якка баҳсларда Вадим Куценко ғалаба қозонди. Дмитрий Томашевич иккинчи ўринни эгаллади. Аралаш баҳсларда эса Синицина билан Куценко жуфтлиги муваффақиятга эришди. Қозоғистон теннисчиларидан Бабина билан Селютина маҳорат кўрсатишди.

Кеча «Пахтакор» марказий ўйингоҳида юртимизда илк бор уюштирилган нуфузли мусобақа ғолибларининг номлари тилга олинди. Эришилган муваффақиятлар ҳақида маълумотлар эълон қилинди. Кичик олимпида баҳслари Туронзамин ёшларида унутилмас таассурот қолдиргани эътироф этилиб, анъанавий равишда давом этадиган дўстлик ва ҳамкорлик мусобақасига янада пухтароқ ҳозирлик кўришга даъват этилди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Боболаринг анойи эмас...

Шарқшунос олим Маҳмуд ҲАСАНИЙ таҳрири остида

...ДУО ОЛТИН ЭМАСМИ

Агар икки кишининг оралари садоқат солмоқни хоҳланса бу ояти шарифани ёзиб, уларга ичиргай. Бир-бирига муҳаббати ошгай. Оят будир: **«Иннамо тунзиру манит-табаъаззикра ва хашиар-раҳмона бил-ғайб фабашширху би-мағфиратин ва ажрин каримин».**

Агар эсдан чиқадиган нарсаларингни ёдга олмоқчи бўлсанг, ижобат ниятида икки ракат номоз ўқигин. Биринчи ракатда «Фотиҳа» сурасидан сўнг бир маротаба «Оята-л-қурси»ни, иккинчи ракатда эса «Фотиҳа»дан сўнг «Ихлос» сурасини йигирма бир маротаба ўқигин. Шундан сўнг тезда нон парчасига бу дуони битиб егин. Бир кунда шундай хотира пайдо бўладики, агар Қуръоннинг ҳаммасини ёд олишни ният қилсанг, иншоаллоҳ, мақсадингга етурсан. Дуо будир:

«Йо хафиййал-лутфи удрукни би-луттикалхафи фаллоҳу хайрун ҳафизан ва ҳува арҳамур-роҳимийн».

ОЛМА ВА НОКНИ САҚЛАШ ҲАҚИДА

Олма бироз қаттиқ турган, аммо етилиб пишган вақтда териб олинса ва тоза лой билан сувалса, лойи қуригунча сояда сақланса, сўнг ерга анор барглари солиниб, унинг устига терилса анча вақтгача бузилмай туради.

Агар олмани ёнғоқ баргига ўраб, арпа дони ичига яшириб қўйилса, жуда яхши сақланиб туради.

Нокни қийир билан бўяб қўйилса, узоқ туради. Ўзи оқиб чиққан узум ширраси бор идишга нок солиб қўйилса узоқ туради. Қипиқни ер юзасига юпқа қилиб ёйиб, нокни унинг устига териб қўйилса нок яхши туради. Аммо терилган нок бир-бирига тегмай туриши керак. Агар ёнғоқ баргини арра қипиғи каби чала туюб фойдаланилса хосиятли бўлади. Нокни ҳам олма каби лой ичига олинса узоқ туради.

«ЗИРОАТНОМА»дан.

Аломат гаплар

КАРТОШКАДА ЧЕКИШ ОҒУСИ

Тиниб-тинчимаган америкалик олимлардан доктор Эдуард Домино ўз ҳамкасблари билан сабзавотда никотин оғуси борлигини аниқлади. Маълум бўлишича, 10 грамм бақлажон истеъмол қилган киши қонида 3 соат «ҳузур» қилиб папирос чеккан кашандада бўлгани каби никотин тўпланар экан. Шунга ўхшаш 150 грамм картошка еган киши кашандахонада 30 соат турган кишининг «савоби»ни топар экан. 5 грамм гулкарам истеъмол қилсангиз ҳам шу аҳволга тушар экансиз. Шунинг учун сабзавотга ўч одамнинг ҳаёти хавф остида экани ашаддий кашанда билан қиёсланмоқда. Ким билади дейсиз, балки олимлар инсон танасининг зарарли омилларга қарши курашиш имкониятларини ҳисобга олишмагандир.

СЎЗЛОВЧИ ҚУЛДОН

АҚШда чекиш ва турли-туман сигареталар ишлаб чиқаришга ўзига хос кураш бошланган. Айтайлик чекувчиларни ишга олмаслик, тиббиёт суғуртасидан маҳрум этиш. Ван Чун деган тайвандлик бир одам чекишнинг олдини олишнинг ўзига хос усулини тавсия этди. Британияда эса у яратган янгиликка алоҳида эътибор билан қараламоқда. Хўш, у нимани ўйлаб топди экан, дейсизми? Оддий қулдонни сўзлайдиган қилиб қўйди. Бунинг учун қулдонга бир қути гугурт ташлаб қўйилади. Лабига сигарета қистириб, олов излаган кашанда гугуртга қўл чўзиши билан қулдон тарафдан аввалига кўксув кишидек кетма-кет бўғиқ йўтал эшитилади. Кейин ёқимли овозда бир грамм никотин отни қулатиши ҳақидаги сўзлар таралади. Шундан кейин ҳам парво қилмай чекканнинг «ирода»сига балли деяверасиз.

ТАНТАНАЛАР ДАВОМ ЭТГАНДА

Жиззах тумани аҳли ҳам истиқлолнинг турт йиллигини шоду хуррам нишонлади. Туман маркази Учтепада жойлашган улкан боғда жиззахликлар жамланишди. Барча хўжаликлар байрам дастурхонларини безаб, ўзбекнинг турфа таомлари, ўзлари етиштирган дала нозу-неъматларини тортиқ этдилар. Зеро, жиззахликлар ғалла ва пилла топшириш бўйича режаларини ўддалаб энди пахта ҳосили йиғимига шай туришибди. Мутахассислар эса етиштирилган ҳосилнинг чўғи мўлжалдагидан ҳам зиёда дейишмоқда.

Дарвоқе, тантаналар савоб ишларга уланди. Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Саъдулла Эшбоев кам таъминланган, боқувчисини йўқотган икки юз нафардан зиёд ўғил-қизга байрам совғаларини топширди.

Ҳусан ЭРМАТОВ.

Бу боғлардан бизлар ўтдик, бизни издан кимлар ўтар?!
Бу йўлларга бизлар етдик, вафо фалак, кимлар етар?!

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат-лавҳа.

УЗОҚ САФАРГА ёлғиз отланган киши йўлда зерикади. Ишқилиб, дурустроқ ҳамроҳ учрасин-да, деб ният қилади. Яқинда Хўжаободга бориб келдим. Кетишда Тошкентдан жўнаётган автобус анча санжоб эди. Рўпарамдаги ўриндиққа қотмадан келган 45-50 ёшлар чамасидаги аёл келиб ўтирди. Суҳбатлашиб кетсак керак, деб суюндим.

Бекор суюнибман... У менга қайрилиб ҳам қарамади. Автобус жойидан қўзғалишга ҳам улгурмай қўлидаги афтидан енгилгина, лекин ҳажми анча катта бўлган йўл халтасини болиш қилиб иккала ўриндиққа ғуножак бўлиб ётиб олди.

Бу аҳволни кўриб биров елка қисди, кимнингдир энсаси қотиб қошлари чимирилди. Айримлар ажабланмади ҳам... Мен эса ўзимча: «Ҳа, бечора толиққан кўринади. Бола-чақа, тирикчилик ташвиши билан юргандирда...» деб ўйладим.

Аёл ростдан ҳам жуда чарчаган экан, — миқ этмай ухлади. Йўлдан чиққан ҳамроҳлар ҳам уни безовта қилишга ботинолмай, тик туриб кетавердилар.

Автобус Конибодом яқинидаги чойхона ёнида йўловчиларга дам бериш учун тўхтади. Ниҳоят, ҳалиги аёл уйғонди. Пастга тушдик. Суҳбатга тортаман:

— Ая, анча чарчабсиз-а? Тошкентда ўғил-қизларингиз ўқийдими ё қариндошларни йўқлаб...

— Ҳа, йўқ! Чит оборувдим. Кеча ҳаммасини ўтказолмай, ипподромда қолишга тўғри келди. Ухлолмагандим, шунга... — аёл уз..зун эснади.

— Ипподромнинг ўзида меҳмонхона борми?

— Йў — ўқ, қопларимизнинг устида ухладик.

— Шунча қийналганингизга яраша тузукроқ қоладими?

— Қаёқда, гўшт пули, чой пули чиқсаям жон деймиз.

Биз қўйсак, устига бир сўмярим сўм қўйиб сотамиз-да!

Аёл билан анча гаплашдик. Хўжайини муҳандис бўлиб ишларкан. Беш боласи бор экан. Бир ўғлини яқинда уйлантирибди.

— Анчадан бери қатнайсизми? — Яна гапга соламан.

— Рўза қачон бошланувди? Февралда-а, ўшандан бери қатнайман.

— Нима, эртага яна Тошкентга қайтасизми!

— Ҳа, мен боргунча юк тайёрлаб қўйишади. Худо хоҳласа, оқшом яна Тошкентга жўнаймиз.

Ҳайратдан ёқа ушладим. Етти ой ҳазилакам гапми! Салкам 400 километр масофага муттасил қатнаш... Ёки йўл азоби — гўр азоби деган ҳақиқат бу аёлни четлаб ўтганмикин?

Автобус йўлга тушди. Ўзимча хомчут қила бошладим: агар бир қатновда 200 метр мато олиб келса, 100 ёки 200 сўм фойда қоларкан. Борингки, 500 метр обкелар, шунда ҳам топилган фойда йўлкирага ҳам етмайдику! Нима азоб унга! Дарвоқе, боя шофёрга ялиниб-ёлвориб йўл ҳақининг ярмидан ҳам озроғини тўлаганининг боиси шунда экан-да!

Аёл яна уйқуга кетди. Ёнига ҳеч кимни ўтқазмади. Фарғонанинг Учкўпригига етиб келганимизда у сапчиб ўрнидан турди-ю, шоша-пиша тушиб қолди...

Мулоҳаза

ҚОП ҚУЧОҚЛАГАН АЁЛЛАР

**** Аёл толиқса, тортинишни унутаркан.***
**** Қоплар нега баҳайбат?***
**** Савдогарлик кимнинг касби?***

Уша куни мен ҳам фарзандларимни уйда қолдириб кетганим боис наридан бери ишларимни битирдиму, борган автобусимда изимга қайтдим.

Қўшдек учиб келаётган автобус Учкўприкка келганда яна тўхтади. Ажабо, одамлардан олдин автобусга тахмондай-тахмондай келадиган қоплар чиқа бошлади. Беш-олти эркак инқиллаб-синқиллаб зўрға юклашди. Қопларнинг сиқувидан айрим ўриндиқлар қисирлаб ҳам кетди.

Деразадан қарайман. Машина юришга чоғланади. Бир эркак жон ҳолатда қопларнинг орқасидан автобус эшигига ёпишаётган хотинини қўлидан қайириб силталабсилталаб олиб қолди. Хотин ичкаридаги шеригига овозининг борича бақиради: «Фалончихон! Хушёр бўлинг юкка! Меники 30 та-я, келганингиздан кейин ҳисоблашамиз!..»

Ҳушимни зўрға йиғиштириб автобус ичига қарасам беш-ўн чоғли аёл ва уч-тўрт эркак шиппакларини қўлларида ушлаганча қопларнинг устидан эмаклаб юриб ўзларига жой қидиришарди.

Оёқ яланг хотинларга қараб анқайиб қолдим. Шунда уларнинг бири:

— Вой, ўргилай сиз ҳам қайтдингизми? Ишларингиз битдими, деди.

Қарасам, кечаги ҳамроҳим. Сўрашдик. Лекин бу гал унга алоҳида икки ўриндиқ топилмади. Орқамиздаги жойга ўтирди.

— Намунча қопларингиз баҳайбат! Ихчамроқ қилсаларингиз бўлмайдими? —сўрайман «эски» танишимдан.

— Вой, бу ордонанинг ҳар биттасига 75 сўмдан юк пули олади-да, ўргилай! Шунинг учун сони кўпаймасин деймиз-да.

— Ўзларингизга қанчадан берасизлар?

— 130 сўмдан.

Яна ёқа ушладим. Ахир мен бир ўзим учун 350 сўмга чипта олдимку! Бу аёл шунча юки билан борйўғи 280 сўм тўлабди, холос!

— Ҳар битта қопга қанчадан чит жойлайсизлар?

— Ҳар хил, 30 дан 50 минг метргача жойлаш мумкин.

— Ҳалиги бекатда эри олиб қолган хотиннинг молини ким сотади энди?

— Ҳа унимми! Ҳў анави ўтирган жияни сотади, —дея йўғондан келган ёшроқ жувонни кўрсатди.

Ёз эмасми — кеч бўлса ҳам ҳаво иссиқ. Автобус ичида нафас олиш ҳам амри маҳол эди. Елкамни туртиб турган қоплар кўзимга аждардек хунук кўриниб кетди.

Учкўприклик ҳамроҳларимиз ҳам қийналишди шекилли, олдин унибуни баҳона қилиб бир-бири билан ғижиллашиб олишди. Кечаги танишимнинг сабри чидамади-бироздан сўнг шартта ўрнидан туриб қопларнинг устига чалқанча тушиб ётиб олди. Ёнига шериги ҳам ёнбошлади. Аёллар билан бирга чиққан эркакларнинг бири ҳам қопларнинг давомига чўзилди.

Бу аянчли манзаранинг олдида кечаги ҳолат ҳолва экан.

Қоп қучоқлаб ухлаётган хотинлар астойдил хуррак ота бошлашди. Энди қопларгинамас, уларнинг оёқлари, бошлари ҳам йўловчиларнинг елкаларини туртиб, юзкўзларига урила бошлади.

Бир амакининг асаблари тарангроқ эканми, тоқати тугаб тамаки чекишга тутинди. Шунда «тунги ёғду» дан ялтироқ қўйлак кийиб олган «савдогар» хотинлардан бири: «Вой тоға! Автобусда чекманг! Худо кўрсатмасин, шунча юк бора!» деб унга дашном берди. «Ҳа, сизларга машинада қанча одаммас, қанча юкнинг борлиги муҳим!» деб ғулдиради-ю, лекин ўша заҳотиёқ папиросини оёғи остига қўйиб эзғилаб ўчирди.

Одам астойдил ҳаракат қилса ҳамма нарсага чидаркан. Бу хунук томошадан биров ҳузурланиб, биров ғазабланиб, биров қийналиб, биров ачиниб — ишқилиб нима бўлса-да Тошкентга етиб келдик...

Мен бу аёллардан ранжиганим йўқ. Уларнинг устидан кулмоқчи ёки ақл ўргатмоқчи ҳам эмасман. Андишасизликда, беодобликда айбласам тўғри бўлмас. Нима қилсин, уларнинг ҳам жони темирдан эмас, бор-йўғи қилдек-қилдек қирқта жонлари бор холос! Лекин бу тоифа хотинлар билан ҳеч қачон ҳеч қаерда мақтаномаслигим аниқ.

Қоп қучоқлаб назоратчиларга жовдираб қараб турган аёлларни кўз олдимга келтирсам ҳалигача сесканиб кетаман. Ахир Фарғона ўзининг Нодираю Жаҳонотинлари, Қумушбибию, Юлдузхонлари билан машҳур. **Лекин туркий халқлар тарихида ҳеч бир аёл савдогарлик қилиб тилга тушмаган.** Тўмарисдек момоларимиз шамшир тутган, Қурмонжон Додҳодек эналаримиз от миниб Ватан ҳимояси учун кўкрагини қалқон қилганлар. Энг оғир, энг таҳликали замонларда ҳам аёлларимиз ўз вазнидан оғирроқ юкни кўтариб, шаҳарма шаҳар саргардон юрмаганлар.

Назаримда аёлдек нозик бир мавжудотнинг савдогарликни зиммасига олиши ўзини шамга ураётган парвонанинг ҳалокатидан деярли фарқ қилмайди.

Савдогарлик — оталаримиз касби.

Ялтироқ қўйлаклар кийиб хатарли ва азобли сафарга отланган опаларимизнинг эрлари уйларида қандай қилиб хотиржам ухлашаркин?

Бугун онасининг меҳрига, эътиборига қонмасдан ўсаётган болалар бир кун келиб кексайганда волидаи муҳтарамаларининг қадрини жойига қўя олишармикин?

Ёки опа-сингилларимизнинг савдога берилишлари замон тақозосимикин? Эҳтимол, уларнинг бу қалтис ҳаракатларини ўзига хос жасорат ёки фидойилик ҳам деб аташ мумкиндир?

Бугун ҳам биз бу шарафли вазифани эркакларимизга ишониб топширсак қандоқ бўларкин?

Рафиқасини автобусга чиқазмай олиб қолган бояги ориятли эркак нега хотинининг ўрнига ўзи чиқмади?

Билмадим...

Шу каби саволларга жавоб тополмай ҳалакман. Сиз бунга нима дейсиз, азизлар!

Келинг, шу ҳақда суҳбатлашайлик. Дилингиздаги гапларни қоғозга туширинг.

Таҳририятга ташриф буюринг. Марҳамат!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА, «Ўзбекистон овози»мухбири.

Кенжа қизим Саодат дамба-дам «Дада, болалигингиздаги қизиқ-қизиқ нарсалардан айтиб беринг» деяверади. Мен эса «ҳозир, эслаб олай» дейману хотиримда қолган воқеалардан гапириб бераман. Ҳикояларни мириқиб тинглаган қизим «Ҳа, чинданам қизиқ бўлган экан» деб завқланиб қўяди. «Аслида буларни сенга ёзиб берсам бўларкан, истаган пайтингда ўқийверасан» дегандим, қулоғим баттар тинчимай қолди. Ҳуллас, ушбу қораламалар қизимнинг қистови билан ёзилди.

БЕҒУБОР ДАМЛАР

КИЧКИНА ТОШКЕНТ

Болалигимда Тошкентга келишга жуда қизиқардим. Агар менга «Нима орзуинг бор?» дейишса, Тошкентни кўрсам дердим. Бир куни отам укам иккаламизга «Қани, кийининглар, мен сизларни кичкина Тошкентга олиб бораман» деб қолдилар. Қувончга тулиб йўлга тушдик. Қишлоғимиз Хайроддан 10-15 минут пиёда юриб Жиззах темир йўл шоҳ бекатига келдик.

— Бу ер кичкина Тошкент, — дедилар отам вокзал биносини кўрсатиб, — яна шунча юрсак катта Тошкент булади. Лекин бугун чарчадиларинг, шу ердан уйга қайтамиз.

Уйга келганда ака-укалар «Ая, биз кичкина Тошкентга бориб келдик — уйлари бирам чиройли, баланд» деб завққа тулиб гапирганимизда аям мийигида кулиб қўйганди.

УШАЛГАН АРМОН

Ун бир ёшимда отам билан ҳақиқий Тошкентга келганман. Эҳ-ҳа, одамнинг қуплигини. Чорсудаги чойхонада ўтириб, охири кўринмаган одамлар сафига қараб бирор соат анграйиб турган бўлсам керак. Даъфатан шу атрофда бирор кинотеатр бору, бу одамлар ҳаммаси ҳозир тугаган кинодан чиқдимикан, деб ўйладим. Қарасам, анча вақтдан кейин ҳам одамлар камаймади.

Навоий театри олдига бордик. Отам кўчанинг нариги томонидаги бинога ишора қилиб:

— Шу ерда «Қизил Узбекистон» газетаси чиқади, — дедилар.

— Кирсак буладими? — қизиқиб сурайман.

— Бу ерга бирор иши бор одам киради, — дедилар гапни қисқа қилиб.

Томошамиз тугадию театр майдонидан кета бошлаганимизда ҳам редакциялар жойлашган бинодан кўзимни узмасдим. «Эсиз, бирор ишимиз ҳам йўқ экан-а» деб афсусланардим. Ким билсин, ушанда мурғак қалбимдаги иштиёқ мени шу соҳага бошлагандир.

«ДАЙ КАРАНДАШ»

Уйимизда Гриша деган уста ишларди. Эшик-дераза қилиш унга чутмас. Бир куни, қалами уйида қолиб кетган эканми, укам Равшанга «У тебя черний карандаш есть?» деди. Укам дарров сумкасидан қаламни олиб унга тутқазди. Равшан қалами ищ бераётганидан завқланиб устанинг ёнидан нари кетмасди. Кеч булди. Гриша амаки нарсаларини ҳалтасига солди-да, уйи томон йул олди.

Шу пайт укам нима дейишини билмай, устанинг йулини тусди. Гриша амаки ажабланганда у нуқул бир гапни такрорларди:

— Дай карандаш, дай карандаш, дай карандаш...

ҚАНДАЙ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНАДИ?

Телефон деган нарса қишлоқда бўлмасди. Ҳар замонда станцияга чиққанда таксафонларга кўзимиз тушарди. Тасаввуримда бирор жойга қўнғироқ қилиш учун бармоқ билан беш рақам бир вақтда босиладию нариги томонда телефон жиринглайди деб ўйлардим. Телефон гардишидаги рақамлар айлантириб терилишини кўрмаган эдим-да. Шуни ўйлаб физика муаллимимизга шундай савол бергандим:

— Айтингчи, агар қўнғироқ қилинаётган жой рақамида айнан бир рақам кетма-кет келса, қандай босиш мумкин?

— Икки марта терилаверади, — деди муаллимимиз ажабланмасдан.

Мен эса, «қизиқ, нега босилади — демасдан, терилади дейишаркан», деб ажабландим.

КИТОБ ҚАНДАЙ ЧИҚАРИЛАДИ?

Ҳаммамиз 1-«А» синф деб ёзилган эшиқдан ичкари кирдик. Алифбе китобини варақлаб туриб, ичидаги ёзув ва расмларни томоша қилдим. Дарс охирида ўқитувчимиз:

— Кимда қандай савол бор? — деб қолдилар.

— Менда савол бор, — дедим. — Айтингчи, шу китоб қандай қилиб чиқарилади?

Файзи ака бир зум ўйланиб қолди. Эҳтимол, энди мен бу болага қандай қилиб тушунтирсам экан, деб ўйлаган бўлишлари мумкин ва ниҳоят муаллим шундай жавоб қилди:

— Агар сен ўқийверсанг, ўқийверсанг, тинмай ўқисанг, китоб қандай чиқарилишини билиб оласан.

Ҳа, азиз муаллимжон. Сиз жуда тўғри жавоб берган экансиз. Мен айтган гапингизни қилишга ҳаракат қилдим.

ТЕЛЕВИЗОР КИНО ЭМАС

У пайтда умуман телевизор йўқ эди. Биринчи бўлиб тоғамлар «Рекорд» телевизори олгани қишлоғимизда катта воқеа бўлганди. Шу куниёқ кечқурун телевизор кўргани бормоқчи бўлдим. Улар биздан беш-олти ҳовли нарида туришади. Уйларига яқинлашсам телевизор қўйилган хонанинг чироқлари чарақлаб ёниб турибди. Болалик тасаввуримда кино қўйилганда залда чироқ ўчирилгани каби телевизор ишлаганда ҳам хонадаги чироқ ўчирилади, деб ўйлаганман.

Шунга кўра «булар телевизор кўришмаяпти экан-да» деган хаёлда уйга қайтиб кетдим. Эртаси кун Райҳон холамдан:

— Нега кеча телевизор кўрмадиларинг? — деб сурагандим:

— Кўрдик, сен келмадингку, — деди.

— Чироқ ёниб турувди-ку, телевизор кўрсатавердими? — деб ажабландим.

— Телевизор қўйганда чироқни ўчириш шарт эмасакан, — деди.

Ўша кечаси ичкари кирмай уйга кетаверганимдан узоқ вақт афсусланиб юрдим.

МОСКВА КЎЧАСИДАГИ БОЧКА

Эрталаб радио қўйилганда «Говорит Москва» деб Кремль соатининг занг ургандаги овози (кейинчалик билсам) берилярди. Мен ўзимча кимдир Москва кучаларида катта ичи бўш темир бочкани думалатиб юрибди, деб ўйлардим.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

** Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. * Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. * Ҳажми 2 босма табоқ. * Г -- 0382.*

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00. 1 2 3 4 5 6.